

ҒАЛЛА УРУҒЧИЛИГИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ, НАЗОРАТИ ВА САМАРАДОРЛИКНИ БАҲОЛАШ

Бозорбоева Зарнигор Гулмирза қизи
ТДАУ таянч докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада ғалла уруғчилигининг ташкилий-технологик, биологик ва бошқа хусусиятларига мос равишда ҳисоб ва ички назорат тизимини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Хусусан, уруғлик ғаллани сифатли етиштириш ва сақлаш харажатларининг ҳисобига доир дастлабки ҳужжатларни такомиллаштириш; харажатларнинг ички назорат объектларини ишлаб чиқариш цикллари бўйича шакллантириш ва уруғлик дон ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ғалла уруғчилиги, ишлаб чиқариш харажатлари, дастлабки ҳужжат, ҳисоб, ҳисобот, ички назорат объектлари, самарадорлик

Аннотация. В данной статье исследованы вопросы совершенствования учета и внутреннего контроля исходя из организационно-технологических, биологических и других особенностей семеноводства зерновых. В частности, разработаны предложения по: совершенствованию первичных документов по учету качественного выращивания и хранения; по формированию объектов внутреннего контроля затрат по производству и оценке эффективности производства семян зерновых.

Ключевые слова: семеноводства зерновых, производственные затраты, первичные документы, учет, отчетность, эффективность

Abstract: This article examines issues of improving accounting and internal control based on the organizational, technological, biological, and other characteristics of grain seed production. In particular, proposals have been developed for: improving primary documents for recording high-quality cultivation and storage; establishing internal cost control facilities for production; and assessing the efficiency of grain seed production.

Key words: grain seed production, production costs, primary documents, accounting, reporting, efficiency

Кириш. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали, агрокластерлар, деҳқон ва фермерлар хўжаликлари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар даромадини ошириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қисқа вақт ичида ўз исботини топмоқда. Бу борада ғаллачиликни ривожлантириш бўйича ҳам узокни кўзлаб чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармонида «махсулот таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, пахтадан

ўртача 37 центнер ва ғалладан 70 центнер ҳосил олишга эришиш.

биологик эскирган навлар ўрнига серҳосил, эртапишар, тола ва дон сифати юқори бўлган 8 та ғўза ва 12 та ғалла навлари майдонини кенгайтириш» вазифалари белгиланган [1].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлили масалаларининг илмий- услубий асослари Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл [2], И.А.Ламыкин [3], М.З.Пизенгольц [4], Р.Энтони, Дж.Рис [5], ва бошқа хорижлик олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Мазкур муаммонинг турли жиҳатлари республикамизда А.А.Абдуғаниев [6], А.И.Аликулов [7], Р.Д.Дусмуратов [8], А.К.Ибрагимов [9], Б.Ю. Менгликулов [10], Р.О.Холбеков [11], У.С.Турсунов [12] ва бошқалар иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилинган. Лекин, ғаллачилик кластерларида харажатлар ҳисоби, элита ва навли уруғлар ҳамда ёндаш маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш ҳамда ички назоратнинг услубий жиҳатлари тизимли тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида аввало умумий методологик асос сифатида диалектика; шунингдек, илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракциялаш, қиёслаш каби умумилмий назарий тадқиқот методларидан фойдаланилди. Эмпирик тадқиқотлар эса, илмий манбаларни шарҳлаш, кузатиш ва ретроспектив таҳлил, математик, статистик методлар қўлланилган ҳолда ўтказилди.

Таҳлил ва натижалар. Бу борадаги тадқиқотлар тасдиқлашича, амалдаги дастлабки ҳужжатлар шакллари уруғчилик хўжаликларининг ташкилий ва ишлаб-чиқариш технологик хусусиятларини акс эттирмайди, шу боис, уларга қуйидаги қўшимча реквизитларни киритиш таклиф қилинади (1-жадвал).

Ғалла экинлари уруғликларини сифатли етиштириш ва сақлашга оид ишларни амалга ошириш харажатлари ички назорат объектлари сифатида туркумланди ва шу бўйича ҳисоблаш тавсия этилади (2–жадвал).

Ички назоратни таклиф этилаётган объектлар бўйича ташкил этиш ва амалга ошириш учун қуйидаги табдирлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилди:

1. Ғалла уруғлигини етиштириш ва сақлаш харажатлари синтетик ва аналитик ҳисобининг ташкил этилишини тадқиқ қилиш;
2. Амалга оширилган хўжалик операцияларининг ҳужжатлаштирилиши ва уларнинг тўғри расмийлаштирилишини текшириш;
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш, материаллар сарфининг технологик меъёрлари ва ғалла уруғчилигидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризация қилиш натижаларининг асосланганлигини текшириш;
4. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва уларни таъмирлаш харажатлари ҳисобининг тўғри юритилаётганлигини текшириш;

1-жадвал

**Ғаллани сифатли етиштириш ва сақлаш харажатлари ҳисобига доир
янги ва такомиллаштирилган дастлабки ҳужжатлар тавсифномаси**

Гуруҳлаштириш белгилари		Фойдаланишга тавсия этиладиган дастлабки ҳужжатлар тавсифи		
		Ҳужжатнинг мавжуд номи		Янгидан ишлаб чиқилган
		Ҳужжат номи	Тавсия қилинган янги реквизитлар	
Уруғлик дон етиштиришга доир ҳужжатлар				
Сарф-хара- жатга доир ҳужжа тлар	экиладиган уруғлар	Уруғ ва экиш материалларини сарфлаш ҳақида далолатнома	уруғлик, экиш материалларининг нави, майдон рақами, экиннинг номи, жавобгарлик маркази (участка, бўғин); 1 га ерга ва бутун майдонга норма бўйича ва амалда уруғлик сарфи	-
	органик ва минерал ўғитлар	Минерал, органик ва бактериалогик ўғит, химикат- лар ва гербицид- лардан фойдала- ниш далолатнома	ўғит турлари, гербицидларнинг номи, майдон рақами, экин номи, жавобгарлик маркази (участка, бўғин); 1 га ерга ва бутун майдонга норма бўйича ва амалда ўғитнинг сарф бўлиши	
Меҳнатга ҳақ тўлаш-га оид ҳужжатлар		Тракторчи- машинистнинг ҳисоб варақаси	Бракни йўқотиш билан боғлиқ харажатлар, режанинг юқори сифат билан бажарилиши учун қўшиб ёзилган мукофот суммаси	-
Уруғлик донни вақтинчалик ва узоқ вақт сақлашга оид ҳужжатлар				
Дон маҳсулотлари- нинг кимига оид ҳужжатлар		-		К/х маҳсулотлари- ни келиш кундали- ги; Маҳсулот кури- тиш, навларга ажра-тиш ва қайта ишл-аш далолатномаси
Дон миқдори ва сифатини ҳисобга ва назоратга олиш учун ҳужжатлар		-		Дон маҳсулот- ларини ҳисобга олиш ва назорат далолатномаси
Донни узоқ вақт сақлаш учун қабул қилишдаги ҳужжат- лар		Товар- транспорт накладнойи	автомобилнинг келиш вақти, накладной рақами, топширувчи-нинг номи, автомобиль рақами; экин тури ва брутто оғирлиги	-
Лаборатория таҳлиliga оид ҳужжатлар		-		Уруғлик дон таҳлили картаси
Яроксиз дон чиқит- лига доир ҳужжат- лар		-		Дон чиқитларини ташиш юк хати
Харажатлар ҳисоби бўйича ички ҳисоб регистлари				
Ички ишлаб чиқа- риш ҳисоботи		Тажриба участ- каси бўйича ҳисобот	режадаги ойлик ва йил бошидан ўсиб борувчан жами харажатлар, ҳақиқий харажатларнинг режадаги харажатлардан четга чиқиши	-

2-жадвал

Ғалла экинлари уруғликларини ишлаб чиқариш цикллари бўйича харажатларнинг ички назорат объектлари (таклиф)⁷

Ғалла экинлари уруғликларини ишлаб чиқариш харажатлари	Тугалланма- ган ишлаб чиқариш	Ғалла экинларини етиштириш	Кузги-қишки ишлар	Тупроққа баҳорги ишлов бериш харажатлари: анғизларни юмшатиш, тупроққа юзалаб чопиб ишлов бериш, тупроққа кузги ишлов бериш Гўнг тўплаш ва компост тайёрлашга оид ишлар харажатлари: гўнг тўплаш ва компост тайёрлаш Ўғит солиш харажатлари: ўғит солишга оид ишлар
	Ҳисобот даври харажатлари		Баҳорги ишлар	Тупроққа баҳорги ишлов бериш харажатлари: баҳорги юмшатиш; бороналаш билан экишолди культивацияси; минерал ўғитлар юклаш, уларни транспортда ташиш; сеялкаларни тўлатиш Уруғлар билан ишлаш ишларига оид харажатлар: уруғларни дориллаш, уларни юклаш ва ташиш
			Баҳорги-ёзги ишлар	Экиш ишларига оид харажатлар: экиш ишларининг ўғит солиш ва диски, ғилдиракли борона билан ишлов бериш билан бир вақтнинг ўзида ўтказилиши Ўсимликларни ҳимоя қилишга оид ишлар харажатлари: гербицидлар эритмасини тайёрлаш учун транспортда сув ташиш, экинларга эритма тайёрлаш ва пуркаш.
			Ғалла экинларини йиғиб олиш ишлари	Ҳосилни йиғиб олишга оид ишлар харажатлари: бевосита похолни йиғиш билан биргаликда донни комбайнда янчишга оид ишлар; похол уюмларини тўплаш, уни ғарамлаш; ғарамларни кесиш(майдалаш). Ҳосилни ташиш ва қайта ишлашга оид харажатлар: донни комбайндан хўжаликка ташиш; похолни фермага ташиш; донни тозалаш; уруғликларни тозалаш ва навларга ажратиш ишлари.
		Уруғлик донни сақлаш	Қуритишга оид ишлар	Уруғлик ва товар донни шамоллатиш ҳамда қуритиш харажатлари.
			Тозалашга оид ишлар	Ҳас-чўплар билан ифлосланишни камайтиришга оид ишлар харажатлари.
			Сақлашга оид ишлар	Намликни ушлаб туриш, донни сақлаш учун қайта ишлашга оид ишлар харажатлари.

5. Сифатли ғалла уруғликлари етиштириш ва сақлаш харажатларини ишлаб чиқариш харажатларига киритишнинг асослилигини текшириш;

6. Бюджет маблағларининг уруғлик материаллари, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар сотиб олиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун мақсадли ишлатилишини текшириш;

7. Уруғлик дон ва дон маҳсулотларининг уларни етиштириш ҳамда сақлаш жараёнида таннархнинг тўғри калькуляция қилинганини текшириш;

8. Ғалла экинлари уруғларини ишлаб чиқариш, етиштириш ва сақлаш харажатлари ҳисобига оид счётлар корреспонденцияси, ҳамда калькуляция фарқларини ҳисобдан ўчиришнинг тўғрилигини текшириш;

9. Ғалла экинлари уруғликлари ишлаб чиқариш харажатларининг ички

⁷ Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган

назорати натижаларини расмийлаштириш ва тақдим қилиш;

10. Ғалла экинлари уруғликларини ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархи даражасини белгиловчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Шунингдек, ихтисослашган уруғчилик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлилининг ташкилий - услубий жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда рентабелликни ошириш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ғалла уруғчилигида иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштирилди, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ва рентабеллигини ошириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар тайёрланди. Жумладан, Янги навлар самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун биз дон ҳосилдорлигининг ўсиб бориш кўрсаткичлари ва ялпи дон йиғими кўрсаткичларини қўлладик. Ҳақиқий натижаларни баҳолаш ва уларни базавий вариант билан таққослаш дон экинлари селекцияси самарадорлигини, қўшимча харажатларнинг қопланишини аниқлашга имкон берди.

Йиллик иқтисодий самарани янги ва базис навларни етиштиришдан олинган ялпи фойда айирмасининг янги нав етиштирилган майдонга кўпайтириш йўли билан аниқланди.

$$ИС_{\text{й}} = (ЯФ_{\text{ян}} - ЯФ_{\text{бн}}) \times S_{\text{я}}, \quad (1)$$

бунда, $ИС_{\text{й}}$ – йиллик иқтисодий самара;

$ЯФ_{\text{ян}}$ – янги нав бўйича соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;

$ЯФ_{\text{бн}}$ – базис нав бўйича соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;

$S_{\text{я}}$ – янги нав жорий этилган майдон, га.

Лекин навнинг иқтисодий самарадорлигини бундай акс эттириш тўлиқ ҳисобланмайди. Мазкур формулада навни яратишга доир ишлаб чиқаришни бошлашдан олдинги харажатлар, шунингдек, сифат кўрсаткичларининг роли ҳам ўз аксини топмаган. Шунинг учун биз йиллик иқтисодий самарани қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқариш афзаллигини кўрсатди:

$$ИС_{\text{й}} = [(ЯФ_{\text{янх}} - ЯФ_{\text{бнх}}) + (ЯФ_{\text{янс}} - ЯФ_{\text{бнс}})] \times S_{\text{я}} - X_{\text{т}} - X_{\text{ж}}, \quad (2)$$

Бунда,

$ЯФ_{\text{янх}}$ – янги нав ҳосилдорлигининг ошиши ҳисобига олинган ялпи фойда, 1 га ердан, минг сўм;

$ЯФ_{\text{бнх}}$ – базис нав ҳосилдорлигининг ошиши ҳисобига олинган ялпи фойда, 1 га ердан, минг сўм;

$ЯФ_{\text{янс}}$ – янги навнинг сифат кўрсаткичлари ошиши ҳисобига олинган ялпи фойда, 1 га ердан, минг сўм;

$ЯФ_{\text{бнс}}$ – базис навнинг сифат кўрсаткичлари ошиши ҳисобига олинган ялпи фойда, 1 га ердан, минг сўм;

$S_{\text{я}}$ – янги нав экилган майдон, га;

$X_{\text{т}}$ – нав яратишга тайёргарлик харажатлари, минг сўм;

$X_{\text{ж}}$ – навни ишлаб чиқаришга жорий қилиш харажатлари, минг сўм.

Хулоса. Шундай қилиб, хўжаликда рақобатбардош рентабелликни таъминлаш учун янги навларнинг самарадорлигини ошириш, сотиш

структурасини мақбуллаштириш ва ўзгарувчан харажатлар нормативларини қайта кўриб чиқиш ҳамда улар сарфи устидан қатъий ички назорат такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ғалла уруғчилигининг ташкилий-технологик, биологик ва бошқа хусусиятлар мос равишда ҳисоб ва ички назорат тизимини ташкил этиишга таъсир кўрсатади. Дастлабки ҳужжатларнинг такомиллаштирилган вариантлари ғаллани сифатли етиштириш ва сақлаш харажатларнинг ички назорат объектларини ишлаб чиқариш цикллари бўйича шакллантириш ва уруғлик дон ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл. Д. Принципы бухгалтерского учета, -М.: Финансы и статистика, 1997.-496с;
3. Ламыкин И.А. Бухгалтерский учет. Учебник. -М: Филинь, 2000.-520с;
4. Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. -М.: Финансы и статистика, 2001. -400с;
5. Р.Энтони, Дж.Рис. Учет: ситуации и примеры, - М.: Финансы и статистика, 1993.-560с;
6. Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. Т.: ТМИ, 2003.-275б;
7. Аликулов А.И. Пахта толасини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш харажатлари ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Докт. дисс автореф.-Т.: БФА, 2012.- 32 б;
8. R.D.Dusmuratov Buxgalteriya hisobi nazariyasi. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2022, - 500 б.
9. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Док. дисс автореф.-Т.: БФА, 2002.-42 б;
10. В.Ҳ.Менгликулов. Chorvachilikda biologik aktivlarni saqlash xarajatlari hisobi va auditioning nazariy-metodologik muammolari. (Monografiya) – Т.:«Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2023, -208 б.
11. Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти. Докт. дисс автореф.-Т.:2006.- 46 б.
12. Турсунов У.С. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлар таннархи аудитини такомиллаштириш, номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.:2008.-19 б.